



INNOVATION IQTISODIYOT

Ilmiy-amaliy elektron jurnal

2026

№3


ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

INNOVATIVE ECONOMY

Scientific and practical electronic journal



Indexlanadigan bazalar:  Google Scholar  Crossref  OpenAIRE  CYBERLENIKA



INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY
ELEKTRON JURNAL

3-jild
3-son
March, 2026

February, 2026
Volume 3
Number 3

ИННОВАЦИОННАЯ
ЭКОНОМИКА
Научно-практический
электронный журнал

INNOVATIVE ECONOMY
Electronic scientific and
practical journal



INNOVATSION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

ISSN: 3030-315X

ojs.kstu.uz

Muassis:

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi:

R.X.Ergashev, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Tahririyat Kengashi raisi o‘rinbosari:

S.N.Xamrayeva, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Mas’ul muharrir:

N.A.Ochilova, PhD, dotsent

Texnik muharrir:

S.J.Qulmurotov

Jurnal har oyda bir marotaba elektron shaklda jurnalning rasmiy sayti orqali nashr etiladi.

Tahririyat manzili:

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi 225-uy Tel.:

+998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Faks: +998 (75) 221 1395

innoeconomic@kstu.uz

“Innovatsion iqtisodiyot” ilmiy - amaliy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi **Oliy attestatsiya komissiyasi rayosatining 2025-yil 5-apreldagi 369-sonli qarori** bilan milliy ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

Jurnalda quyidagi ruknlar asosida maqolalar nashr etiladi:

1. Nazariya va metodologiya
2. Raqamli iqtisodiyot
3. Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti
4. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik
5. Inson kapitali iqtisodiyoti
6. Menejment va marketing
7. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
8. Moliya, kredit va investitsiya
9. Ekonometrika va statistika
10. Xizmat ko‘rsatish va turizm sohasi

TAHRIRIYAT KENGASHI:

Tahririyat Kengashining xalqaro a'zolari:

Ovchinnikov Viktor Nikolayevich - i.f.d., professor, akademik (Janubiy Federal Universitet, Rossiya)

Solodovnikov Sergiy Yurevich - i.f.d., professor (Belorussiya milliy texnika universiteti)

Sidorov Viktor Aleksandrovich - i.f.d., professor, (Kuban davlat universiteti)

Shevchenko Igor Viktorovich - i.f.d., professor (Kuban davlat universiteti, Rossiya)

Kusainov Xalel Xaymullievich - i.f.d., professor, akademik (Qozog‘iston Respublikasi Milliy fanlar akademiyasi)

Samandarzoda Iskandar Hakim - Iqtisodiyot fanlari doktori (Sh.Shotemur nomidagi Tojikiston agrar universiteti)

Gibadullin Artur Arturovich - i.f.n. dotsent (Milliy tadqiqot universiteti, Moskva energetika instituti, Rossiya)

Sergey Aleksandrovich Voynash - ilmiy xodim (P.Lumumbi nomidagi Rossiya xalqlar do‘stligi universiteti)

Valentina Nikolayevna Pulyayeva - iqtisod fanlari nomzodi, dotsent (Rossiya Federatsiyasi hukumati qoshidagi Moliya universiteti)

Dmitriy Evgenievich Morkovkin, iqtisod fanlari nomzodi, dotsent (Moliya universiteti, Rossiya Federatsiyasi hukumati)

Sadriddinov Manuchehr Islomiddinovich - i.f.d., professor, (Tojikiston Respublikasi Milliy fanlar Akademiyasi)

Perskaya Viktoriya Vadimovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Molchanov Igor Nikolayevich - i.f.d., professor, (Lomonosov nomidagi Moskva davlat universiteti)

Basova Mariya Mixaylovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Aleksandr Leonidovich Chupin, iqtisod fanlari nomzodi (P.Lumumbi nomidagi Rossiya xalqlar do‘stligi universiteti)

Nezamaykin Valeriy Nikolayevich - i.f.d., professor, (Rossiya davlat gumanitar universiteti)

Nikonorova Alla Vladimirovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Dmitriyeva Olga Aleksandrovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati huzuridagi Moliya universiteti)

Shvets Yuriy Yuryevich - i.f.n., dotsent, (Rossiya Fanlar akademiyasining Nazorat fanlari instituti)

Kolosova Yelena Valeryevna - i.f.n., dotsent, (Plexanov nomidagi Rossiya iqtisodiyot universiteti)

Tahririyat Kengashi a'zolari:

Gulyamov Saidaxror Saidaxmedovich - i.f.d., professor, akademik (Pardayev Mamayunus Qarshiboyevich - i.f.d., professor)

Navruz-zoda Baxtiyor Negmatovich - i.f.d., professor

Xatamov Ochildi Qurbonovich - i.f.d., professor

Fayziyeva Shirin Shodmonovna - i.f.n., professor

Jumayeva Gulrux Jo‘raqulovna - i.f.n., professor

Egamberdiyeva Salima Raimovna - i.f.n., dotsent

Erkayeva Gulbahor Panjiyevna - i.f.n., professor

Yakubova Shamshinur Shuxratovna - i.f.d., (DSc) dotsent

Amirqulov Shuhrat Olimovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Samiyeva Gulnoza Toxirovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aliqulov Azamat Tuyg‘unovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aminov Fazlitdin Baxadirovich - i.f.n., dotsent

Xo‘jaqulova Nigora Rustamovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Turobov Sherzod Alisherovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Alimova Munisa Yulchiyevna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Ergasheva Nasiba Raxmatullayevna - i.f.d., (DSc), dotsent

Boboqulov Sanjar Baxromkulovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Djalilov Raxmonkul Hamidovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Nomazov Baxrom Bobomurodovich - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Alimxanova Nigora Alimxanovna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Jonuzokov Mirzabek Kulmamatovich - i.f.f.d. (PhD), dotsent

Muxammadiyeva Yulduz Yusupovna - i.f.f.d. (PhD)

Tursunova Aziza Xoshimovna - i.f.f.d. (PhD)

Xolliyev Sherali Baxtiyorovich - i.f.f.d. (PhD)

Panjiyev Samijon Aliqulovich - PhD, dotsent



ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

ISSN: 3030-315X

ojs.kstu.uz

Учредитель:

**Каршинский государственный технический
университет**

Председатель редакционного совета:

Р.Х.Эргашев, доктор экономических наук, профессор

Заместитель председателя редакционного совета:

С.Н.Хамраева, доктор экономических наук,
профессор

Ответственный редактор:

Н.А.Очилова, PhD, доцент

Технический редактор:

С.Ж.Кулмуротов

Журнал издается один раз в месяц в
электронной форме и публикуется через
официальный сайт журнала.

Адрес редакции:

180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, дом 225

Тел: +998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Факс: +998 (75) 221 1395

E-mail: innoeconomic@kstu.uz

Научно-практический электронный журнал
«Инновационная экономика» включён в перечень
национальных научных изданий на основании
решения Президиума Высшей аттестационной
комиссии при Министерстве высшего образования,
науки и инноваций Республики Узбекистан от 5
апреля 2025 года № 369.

**В журнале публикуются статьи по
следующим рубрикам:**

1. Теория и методология
2. Цифровая экономика
3. Экономика регионов и отраслей
4. Малый бизнес и частное
предпринимательство
5. Экономика человеческого капитала
6. Менеджмент и маркетинг
7. Бухгалтерский учет, экономический анализ и
аудит
8. Финансы, кредит и инвестиции
9. Эконометрика и статистика
10. Сфера услуг и туризм

Редакционная коллегия:

Международные члены Совета редколлегии:

Овчинников Виктор Николаевич - д.э.н., профессор, академик
(Южный федеральный университет, Россия)

Солодовников Сергей Юрьевич - д.э.н., профессор
(Белорусский национальный технический университет)

Виктор Александрович Сидоров - д.э.н., профессор,
(Кубанский государственный университет)

Шевченко Игорь Викторович - д.э.н., профессор (Кубанский
государственный университет)

Кусаинов Халел Хаймуллович - д.э.н., профессор, академик
(НААН Республика Казахстан)

Самандарзода Искандар Хаким - д.э.н., профессор
(Таджикистанский аграрный университет им. Ш.
Шотемура)

Гибатуллин Артур Артурович - к.э.н., доцент
(Национальный исследовательский университет
«Московский энергетический институт»)

Войнаш Сергей Александрович - научный сотрудник
(Российского университета дружбы народов имени
П.Лумумби)

Пуляева Валентина Николаевна - к.э.н., доцент
(Финансовый университет при Правительстве РФ)

Морковкин Дмитрий Евгеньевич - к.э.н., доцент
(Финансовый университет Правительство РФ)

Садриддинов Манучехр Исламиддинович - д.э.н.,
профессор (Национальная академия наук Республики
Таджикистан)

Перская Виктория Вадимовна - д.э.н., профессор
(Финансовый университет при Правительстве РФ)

Молчанов Игорь Николаевич - д.э.н., профессор (Московский
государственный университет имени М.В. Ломоносова)

Басова Мария Михайловна - д.э.н., профессор
(Финансового университета Российской Федерации)

Чупин Александр Леонидович - к.э.н. (Российского
университета дружбы народов имени П. Лумумби)

Незаймакин Валерий Николаевич - д.э.н., профессор (РГТУ)

Никонорова Алла Владимировна - к.э.н., доцент
(Финансового университета Российской Федерации)

Дмитриева Ольга Александровна - к.э.н., доцент
(Финансового университета Российской Федерации)

Швец Юрий Юрьевич - к.э.н., доцент (Институт проблем
управления РАН)

Колосова Елена Валерьевна - к.э.н., доцент (Российский
экономический университет имени Г.В. Плеханова)

Члены Совета редколлегии:

Гулямов Саидхорр Саидхмедович - д.э.н., профессор,
академик

Пардаев Мамаюнус Каршибоевич - д.э.н., профессор

Навруз-зода Бахтиёр Негматович - д.э.н., профессор

Хатамов Очилди Курбанович - д.э.н., профессор

Файзиева Ширин Шодмоновна - к.э.н., профессор

Жумаева Гулрух Журакуловна - к.э.н., профессор

Эгамбердиева Салима Раимовна - к.э.н., доцент

Еркаева Гулбахор Панжиевна - к.э.н., профессор

Якубова Шамина Шухратовна - д.э.н., (DSc), доцент

Амиркулов Шухрат Олимович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Самиева Гулноза Тохировна - д.ф.э.наук., (PhD), доцент

Алигулов Азамат Туйгунович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Аминов Фазлитдин Бахадирович - к.э.н., доцент

Хужакулова Нигора Рустамовна - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Туробов Шерзод Алишерович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Алимова Муниса Юльчиевна - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Эрашьева Насиба Рахматуллаевна - д.э.н., (DSc), доцент

Бобокулов Санжар Бахромкулович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Джалилов Рахмонкул Хамидович - д.ф.э., (PhD), доцент

Номазов Бахром Бобомуродович - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Алимханова Нигора Алимхановна - д.ф.э.н., (PhD), доцент

Джанузакон Мирзабек Кулмаматович - д.ф.э.н., (PhD),
доцент

Мухаммадиева Юлдуз Юсуповна - д.ф.э.н., (PhD)

Турсунова Азиза Хошимовна - д.ф.э.н., (PhD)

Холлиев Шерали Бахтиёрович - д.ф.э.н., (PhD)

Панджиев Самиджон Аликулич - PhD, доцент



Moliya, kredit va investitsiya
Finance, credit and investment
Финансы, кредит и инвестиции



МАМЛАКАТИМИЗДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШДА КЎРСАТКИЧЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

Холмурадов Мусурмон Авлакулович, Каримбоева Сарвиноз Бахтиёр қизи

ПРОБЛЕМЫ, СВЯЗАННЫЕ С ПРАКТИКОЙ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ АКТИВОВ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В НАШЕЙ СТРАНЕ

Холмурадов Мусурмон Авлакулович, Каримбоева Сарвиноз Бахтиёровна

PROBLEMS RELATED TO THE PRACTICE OF USING INDICATORS TO ASSESS THE EFFECTIVENESS OF COMMERCIAL BANKS' ASSETS IN OUR COUNTRY

Kholmuradov Musurmon Avlakulovich, Karimbueva Sarvinoz Bakhtiyorovna

Received: March 2, 2026 Revised: March 6, 2026 Accepted: March 12, 2026 Published: April 1, 2026

Аннотация: Тижорат банклари портфелларининг сифатини таъминлаш уларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлашнинг зарурлиги ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу илмий мақолада тижорат банклари активларини самарадорлигини ошириш йўллари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.

Калит сўзлар: банк, банк активлари, таваккалчилик, миллий иқтисодиёт, банк портфели, активлар сифати, банк тизими, кредит портфели, инвестиция.

Аннотация: Обеспечение качества портфелей активов коммерческих банков, необходимость обеспечения их финансовой устойчивости и ликвидности рассматривается как один из актуальных вопросов. В данной научной статье предпринята попытка разработать научное предложение и практические рекомендации по способам повышения эффективности активов коммерческих банков.

Ключевые слова: банк, банковские активы, риск, национальная экономика, банковский портфель, качество активов, банковская система, кредитный портфель, инвестиции.

Abstract: Ensuring the quality of asset portfolios of commercial banks, the need to ensure their financial stability and liquidity is considered one of the current issues. In this scientific article, an attempt was made to develop a scientific proposal and practical recommendations on ways to increase the efficiency of the assets of commercial banks.

Key words: bank, bank assets, risk, national economy, bank portfolio, asset quality, banking system, loan portfolio, investment.

■ КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётида нотекис ривожланиш тенденцияси давом этаётган шароитда банк тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, иқтисодий мустақилликни кучайтириш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, молия-кредит соҳасида юзага келаётган молиявий-иқтисодий тўлқинларнинг салбий таъсирини юмшатиш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Бунда халқаро банк активларини самарали

бошқариш масаласи ўзининг долзарблиги билан тавсифланади. Сўнгги йилларда активларнинг самарали бошқарилиши натижасида жаҳон иқтисодиётида нуфузга эга бўлган бир қатор банкларда активлар ҳажмининг ошганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, 2023 йилда мазкур кўрсаткич «Industrial and Commercial Bank of China»да 3473,1, «Mitsubishi UFJ Financial Group»да 2626,3, «JPMorgan Chase»да 2490,9, «HSBC Holdings»да 2374,9, «BNP Paribas»да 2189,2, «Deutsche bank»да 1676,5 млрд. АҚШ долл.ни[1]



ҳамда «Сбербанк»да 27,1 трлн. Рублни[2] ташкил этди ва бу банк активларининг сезиларли даражада ошганини кўрсатади.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида тижорат банклари томонидан инновацион ёндашувлар асосида актив операцияларни бошқариш самарадорлигини ошириш, актив операцияларни бошқариш доирасида юзага келиши мумкин бўлган рискларни ҳежирлаш амалиётини янада ривожлантириш, актив операциялар жараёнига нисбатан ички ва ташқи омилар таъсирини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Тижорат банклари актив операцияларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда замонавий банк тизимининг шаклланиш ва ривожланишидаги асосий тенденциялар, жумладан, инновацион банк технологиялари, рақамли иқтисодиёт элементларини кенг жорий этиш илмий тадқиқотларнинг марказий бўғинини ташкил этмоқда. Шу билан бирга, актив операцияларни бошқаришда маркетинг ва менежмент уйғунлигини таъминлаш, актив операцияларни бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Ўзбекистонда жадал иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги шароитда банк тизими активлари ҳажми ўсиб, ЯИМдаги улуши ортиб бормоқда. Шу ўринда, тижорат банклари актив операцияларини бошқариш стратегияларининг такомиллашмаганлиги республика банк тизими активлари ҳажми юқори бўлган шароитда ҳам айрим йирик тижорат банкларида активлар даромадлиги даражасининг пасайиши, банк депозитлари асосий қисми юридик шахсларнинг талаб қилиб олинганча маблағларидан ташкил топганлиги тижорат банкларининг ўз актив операцияларини юқори таваккалчилик асосида юритишига сабаб бўлмоқда.

Шунга қўра, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш, кредит портфели миқдорини доимий ошириб бориш ва унинг сифатини яхшилаш, инвестициявий лойиҳаларни молиялаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш кўламини янада оширишга имкон яратувчи чора-тадбирларнинг белгилаб берилиши муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тижорат банкларининг актив операциялари билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни бошқариш стратегиясини такомиллаштиришнинг зарурлиги мазкур илмий мақола мавзусининг долзарблигини белгилайди.

■ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Банк фаолиятини бошқаришни тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлар хорижлик ва МДҲ иқтисодчи олимларидан Ж.Синки, П.Роуз, Р.Дафт, О.Лаврушин, Б.Эдвардс, Р.Клайсенс, Ф.Вертц, А.Алавердов, А.Печникова, А.Максюттов, Г.Просветов, А.Кулаков[4] ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган.

Жумладан, Р.Дафтининг банк менежментини

ёритишга қаратилган илмий тадқиқотларида бозор шароитларида банк фаолиятига хос алоҳида тамойил, функция ва усулларни татбиқ этиш орқали банк ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали стратегик мақсадларга эришишга қаратилган касбий фаолиятнинг мустақил тури деган хулосага келган.

А.Печникова актив операциялар банк ресурсларини жойлаштириш эканлиги ва мазкур жараён ҳар қандай тижорат банки учун жуда муҳимлигини таъкидлайди. Унга қўра, актив операциялар банкнинг даромадлиги ва ликвидлилигини таъминлайди, яъни тижорат банклари фаолиятининг икки асосий вазифасини ҳал этиш имконини беради. Айнан актив операциялар ёрдамида банklar хўжалик фаолияти натижасида бўшаётган пул маблағларини иқтисодиётнинг истикболли тармоқларига сармоялар оқимини йўналтиради, ишлаб чиқариш, инвестицияларнинг ўсиши, инновацияларни жорий этиш ва уй-жой қурилишини кенгайтиришга қўмаклашган ҳолда сармоёга муҳтож бўлганлар фаолиятини молиялаштиради.

Шунингдек, банк операцияларини бошқаришнинг айрим жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ф.Муллажонов, М.Шарифхўжаев, А.Бекмуродов, Н.Каримов, Ё.Абдуллаев, Ш.Абдуллаева, Н.Жумаев, О.Олимжонов, А.Омонов, Т.Қоралиев, Б.Бердияров, Ҳ.Раҳматов, Н.Жиянова[5] ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича тадқиқ этилган.

Хусусан, Ҳ.Раҳматов банк тизими ривожланишининг асосий негизини актив операциялар билан боғлаб, банк менежментида активларни бошқариш стратегиясига алоҳида эътибор қаратади. Шу билан бирга, иқтисодчи олим активларни бошқариш стратегиясини молиявий стратегиянинг муҳим таркибий қисми сифатида изоҳлайди ва уни ишлаб чиқишда банк томонидан молиявий барқарорликка фаол таъсир этувчи омилар таҳлилини амалга ошириш кераклигини таъкидлайди.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Омонов ва Т.Қоралиев тижорат банкларининг актив операцияларига нисбатан «банкларнинг пассив операциялари натижасида шакллантирилган маблағларни иқтисодий жиҳатдан даромад (фойда) олиш мақсадида турли мақсадларга жойлаштириш ва ликвидлилигини таъминлаш билан боғлиқ операциялардир» деган ёндашувни илгари сурадилар.

■ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тижорат банклари актив операцияларини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий мақоланинг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгиланган:

классик ва замонавий иқтисодчи олимларнинг назарий ёндашув ва қарашларини тадқиқ қилиш, шу асосда банklarда актив операцияларни бошқариш стратегиясига нисбатан муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;



банкларда актив операцияларни бошқариш стратегияларини таҳлил қилиш, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларига баҳо бериш;

мамлакатимиздаги етакчи тижорат банклари фаолиятини таҳлил қилиш орқали актив операцияларни бошқаришга эришиш хусусиятларини аниқлаш;

тижорат банкларининг актив операциялари барқарорлигини бошқаришда халқаро рейтинг тизимларининг жорий ҳолатини ўрганиш;

банкларнинг актив операцияларини бошқариш стратегиясини шакллантиришда вужудга келувчи муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллариини ишлаб чиқиш;

тижорат банкларида активларни секьюритизациялаш орқали бошқариш стратегиясини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

тижорат банкларида актив операцияларни бошқаришнинг оптимал стратегиясини шакллантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий мақола янгилиги қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари актив операцияларини


бошқариш жараёнларига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ўрганилиб, тижорат банкларининг даромад олиш имкониятига эга бўлишига салбий таъсир этувчи омилларни олдиндан аниқлаш механизми ишлаб чиқилган;

тижорат банкларининг актив ва passiv инструментларидан фойдаланган ҳолда банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда мижозларни жалб этиш йўли билан актив операцияларни самарали бошқариш стратегиясини такомиллаштириш таклифи асосланган;

«**Актив операциялар** тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминловчи асосий кўрсаткич бўлиб, у даромадлар манбаини ҳосил қилувчи жараёнларни камраб олади».

«**Актив операцияларни самарали бошқариш** банкнинг даромади ва рақобатбардошлигини ошириш, барқарорлигини таъминлаш ва рискдан ҳимоялашнинг ягона омилidir».

Юқоридаги назарий жиҳатларни тадқиқ этиш асосида тижорат банклари актив ва passivларини самарали бошқариш жараёнлари кетма-кетлигининг узвийлиги илмий асосланди (1-расм).




1-расм. Тижорат банклари актив ва passivларини самарали бошқариш жараёнларининг узвийлиги [6]

Мазкур маҳанизмдаги узвийликни таъминлаш орқали банк юқори даромадга, ликвидликка, барқарорликка ва капитални ўсишига эришади. Бу эса, мижозларнинг банкка бўлган ишончини оширади.

Тадқиқот ишида даромадлиликни эътиборга олган ҳолда банк активлари даромад келтирувчи ва

даромад келтирмайдиган турларига кўра таҳлил қилинган. 2-расмда 2010-2024 йиллар оралиғида тижорат банкларининг даромад келтирадиган ва даромад келтирмайдиган активлари ҳажмининг ўсиш тенденцияси келтирилган.





2-расм Тижорат банкларининг даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активлари ҳажмининг ўзгариш динамикаси (фоизда) [7]

2- расм маълумотларига кўра, 2010 йилда 2024 йилга нисбатан даромад келтирувчи активлар ҳажми 23,1 фоиз пунктга қисқарган бўлса, даромад келтирмайдиган активлар ҳажми 23,4 фоиз пунктга ўсди. Улар ўртасидаги фарқ 2024 йилда 29 фоиз пунктни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлардан банкларимиз риск асосида фаолият юритаётганини кузатиш мумкин. Чунки, даромад келтирувчи активлар салмоғи етарли даражада юқори эмас. Айнан актив операцияларни бошқариш жараёнида даромад келтирадиган ва келтирмайдиган активларга алоҳида эътибор қаратилади.

Фикримизча, актив операцияларни даромадлигига қараб бошқариш банк даромадлигини

ошириш манбаларини аниқлаш ва молиялаштириш борасида қарорлар қабул қилиш; банкнинг жами актив операциялари таркибида фойда келтирмайдиган активлар салмоғини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; банк активларини диверсификациялашнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш, бунда асосий эътиборни қимматли қўғозлар ва инвестиция операцияларига қаратиш лозим, чунки ушбу активлар банк балансида ўз улушига эга эмас; республикада ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда актив операцияларни тўғри тақсимлаш каби бир қатор масалаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

1- жадвал

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзсаноатқурилишбанк АТБ, Микрокредитбанк АТБ ва Трастбанк ХАБнинг капитали ва активлари даромадлиги таҳлили [8]

	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Кўрсаткичлар	Миллий банк		ЎзСҚБ		Микрокредитбанк		Трастбанк	
ROE	5,27	5,73	7,09	7,4	0,55	0,19	24,2	22,6
ROA	0,76	0,51	0,69	0,68	0,12	0,04	3,1	2,6

1- жадвал маълумотларидан Трастбанк ХАБ капитали ва активларининг даромадлилик даражаси АТБ Ўзсаноатқурилишбанк ва Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Микрокредитбанк АТБнинг даромадлилик даражасидан юқори эканлигини кузатиш мумкин. Капитал ва активлар миқдори бўйича мамлакатимиз банклари таркибида биринчи ўринда турадиган Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки даромадлилик даражаси пастлиги нима билан боғлиқ деган савол туғилади. Бу банк капитали ва активларидан самарали фойдаланилмаганидан дарак беради. Шунингдек, мазкур муаммоларни Ўзсаноатқурилишбанкда ҳам кузатиш мумкин.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда, аввало, банк бошқарув органларининг фаолиятини тизимлаштириш, шу асосда банкларнинг актив операцияларини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш имконини беради. Шу билан бирга актив операцияларга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни ўрганиш асосида бошқариш йўллари ишлаб чиқиш лозим. Муаммолар кредитларнинг юзага келиш сабаблари ва уларни бошқариш бўйича таклифлар бериш банкларнинг актив операцияларини бошқариш стратегиясини такомиллаш- тириш имконини беради ва ўз-ўзидан банкларнинг даромадлилик даражасини ошириш имконига эга бўлиш мумкин.

<https://ojs.kstu.uz/index.php/ej>

Актив операциялар шаклланишига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар таҳлилида изланишлар банкдаги молиявий фаолиятнинг иқтисодий-ҳуқуқий шарт-шароитларини ўрганиш ва уларнинг келгуси даврда имконли ўзгаришини тахмин қилади. Бундан ташқари, стратегияни бу босқичда ишлаб чиқиш молиявий бозор конъюнктурасини таҳлил қилади, банкнинг келгусидаги фаолияти билан боғлиқ бозор сегментлари нуктаи назаридан унинг прогнози ишлаб чиқилади. Стратегиянинг банкдаги актив операцияларни бошқаришдаги ўрнини кўриб чиқамиз (3-расм).

Қуйида келтирилган омиллар асосида иш юритиш банкнинг рентабеллик, барқарорлик ва ликвидлик даражаларига эришишда ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимиз банк тизимининг янада ривожланишига туртки бўлади. Шу сабабли, банк тизими барқарорлигини таъминлаш актив операцияларни бошқариш асосан корхоналарнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, замонавий илғор техника технологиялар билан қайта қуrollантириш, экспортбоб маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилиши билан муҳимдир. Чунки банк миқозларининг ҳаётийлик даври қанча узоқ бўлса, уларни ишлаб чиқаришдаги яшаш даври ортади, бу, ўз навбатида, микро ва макро даражадаги омилларга ижобий таъсир кўрсатади.




3- расм. Актив операцияларни бошқариш стратегиясини амалга ошириш механизми [9]

Юқорида келтирилган омиллар асосида иш юритиш банкнинг рентабеллик, барқарорлик ва ликвидлилик даражаларига эришишда ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимиз банк тизимининг янада ривожланишига туртки бўлади. Шу сабабли, банк тизими барқарорлигини таъминлаш актив операцияларни бошқариш асосан корхоналарнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, замонавий илғор техника технологиялар билан қайта қуроллантириш, экспортбоб маҳсулотлар ишлаб

чиқаришга қаратилиши билан муҳимдир. Чунки банк мижозларининг ҳаётийлик даври қанча узоқ бўлса, уларни ишлаб чиқаришдаги яшаш даври ортади, бу, ўз навбатида, микро ва макро даражадаги омилларга ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари жами активларининг ЯИМдаги улуши ҳам актив операцияларни бошқариш механизмини ташкил қилиш қай даражада долзарб эканлигини англатади.



4- расм. Республикамиз тижорат банклари жами активларининг ЯИМга нисбатан ўзгариш тенденцияси, (2023 йил 1 январь ҳолатига)[10]

4- расм маълумотларига кўра, 2014-2023 йилларда ЯИМ 6,3 баробарга ошган, банкнинг жами активлари ҳажми эса ушбу давр мобайнида 9 баробарга ўсган. Аммо таққослаш учун 2023 йилда банк тизимининг жами активлари ҳажми ЯИМнинг қарийб 49,4 фоизини ташкил этди. Мазкур ҳолатлар актив операцияларни бошқариш стратегиясини такомиллаштиришнинг нечоғлик долзарблигини кўрсатади. Шу ўринда, соҳага оид муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар тижорат банкларининг активлари тузилмасини такомиллаштириш, банк тизимини баҳолашни халқаро стандартларга мослаштириш юзасидан замонавий банк операцияларини жорий этиш орқали

мижозларни жалб этиш каби устувор вазифаларни кун тартибига қўяди.

Банкларда актив операцияларни бошқариш усуллари туркумланган бўлиб, бу усулларнинг барчаси тижорат банклари томонидан қўлланиб келинмоқда. Тадқиқотда мазкур усуллар мажмуи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 22 январдаги «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги ПФ-5308-сонли фармонига асосланган ҳолда банкларда инновацион усулларни жорий этиш асосида бошқаришни ривожлантиришга доир таклифлар билан такомиллаштирилди (5-расм).



5-расм. Банкдаги актив операцияларни бошқариш усуллари [11]

■ ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Илмий мақолада таклиф этилган innovatsion усуллардан бири New Privat бўлиб, у орқали банк тизимига замонавий хизмат турлари киритилади. Бу эса, миқозларни жалб этиш ва банк даромадларини оширишда кенг имкониятлар яратиб беради. Ушбу тизим асосан йирик миқозларни жалб этиш мақсадида жорий этилади.


Ушбу тизим икки турга ажратилди:

1. Соф иқтисодий даромад: бунда миқоз маблағларини турли инвестицион лойиҳаларга йўналтириш орқали банк ҳамда миқоз тенг шерикчилик асосида фойда кўриши назарда тутилади.

2. Ижтимоий-иқтисодий хизмат кўрсатишда

миқознинг шароитлари инобатга олинади, бунда банк миқоздан хизматлар пакетига қараб фоиз олиши, миқоз эса, банкка ишонган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий муаммолари тўғрисидаги маълумотларни қонуний тарзда банкка топшириши кўзда тутилади.

Таҳлиллар натижасидан кўринадики, тадқиқот объекти ҳисобланган банклар ўз ресурс базасига, таркиби ва миқозларнинг турига кўра турлича бўлиб, ушбу банкларнинг ҳар бири ўз активларини кўпайтириш орқали молия бозорида мустақкам ўрин эгаллаш, ҳусусан, ўз ресурс салоҳиятини ошириш, оқиллона таваккалчилик ва самарали бошқарув услублари орқали ривожланиш сиёсатини олиб бормоқда (6-расм).



6-расм. 2013-2023 йилларда тадқиқот объектлари активларининг ўзгариш тенденцияси (млрд. сўмда)



Жумладан, 2023 йилда 2013 йилга нисбатан активлар ҳажмининг ўсиш динамикаси Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида 12,2 фоиз, АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»да 7,8 фоиз ва «Трастбанк» ХАБда 10,7 фоизга тенг бўлган.

Ижобий натижаларга эришишда тижорат банкларининг актив операцияларини бошқариш

2-жадвал

2018-2023 йилларда банк тизими активларининг таркибий тузилиши бўйича ўзгариш динамикаси, (фоизда)¹³


№	Активлар	2018й	2019й	2020й	2021й	2022й	2023й.	2023 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши
1.	Касса қимматликлари	4,26	3,49	2,38	2,99	3,02	1,91	-2,35
2.	Марказий банкдаги вакиллик ҳисоб-варағидаги маблағлар	15,66	19,85	20,87	16,69	11,51	14,88	-0,86
3.	Бошқа банклардан олинadиган маблағлар	12,73	16,38	13,82	17,99	13,46	11,55	-1,18
4.	Олди-сотди амалиётлари бўйича маблағлар	3,49	0,55	0,39	0,13	0,08	0,07	-3,42
5.	Соф инвестициялар	3,19	0,88	2,99	2,41	2,23	1,57	-1,62
6.	Кредит ва лизинг маблағлари	46,76	48,31	48,43	50,28	61,43	61,78	15,02
7.	Сотиб олинган векселлар	0,27	0,10	0,0	0,0	0,0	0,0	-0,27
8.	Бошқа молиявий активлар	1,68	2,77	2,16	1,04	1,88	1,78	0,1
9.	Асосий воситалар	3,61	3,26	3,27	3,28	3,08	2,55	-1,06
10.	Олинadиган ҳисобланган фоизлар	1,23	0,70	0,65	0,64	0,61	0,71	-0,52
11.	Бошқа активлар	7,14	3,71	5,04	4,55	2,70	2,68	-4,46
	Жами активлар	100	100	100	100	100	100	

2- жадвалдан кўринадики, 2018-2023 йиллар оралиғида банк тизими активлари таркибида биргина кредит ва лизинг маблағларида 15,02 фоизли ижобий ўсиш тенденцияси кузатилган. Тижорат банкларининг асосий даромад келтирувчи фаолият тури айнан кредитлаш амалиёти бўлганлиги мазкур ҳолатнинг ижобий эканлигидан дарак беради. Аммо бошқа даромад келтирувчи активлар таркибида фақат пасайиш кузатилган.

Муаммоли кредитларни бошқаришга таъсир этувчи омилларни чуқур таҳлил қилиш банк фаолиятини таваккалчиликлардан самарали ҳимоялаш тизимини шакллантириш имконини

стратегияларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда, тижорат банклари активларининг таркиби ва улушини таҳлил қилиш натижасида актив оперatsияларни бошқаришда қайси операция турининг устувор эканлигига эътибор қаратиш лозим (2-жадвал).


беради. Ушбу жадвалда келтирилган муаммоли кредитларни бошқариш йўллари татбиқ этиш банк балансида муаммоли кредитлар улушини қисқартиради. 7- расм маълумотларига кўра, тижорат банклари актив оперatsияларини бошқаришга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг боғлиқлиги актив оперatsиялар таркибига кирувчи битим, оперatsия, хизмат кўрсатиш ва банк маҳсулотлари орқали даромад олиш имкониятига эга бўлишга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни олдиндан ҳисобга олиш, бу борада зарур чора-тадбирларни кўриш имконини беради.



7-расм. Тижорат банклари актив операцияларини бошқаришга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг боғлиқлиги

Шунингдек, банкларда ўтказилган сўровномалар натижасига асосланиб, эконометрик таҳлилларни қўллаш орқали инновацион бошқарув

кутилган ижобий натижа бериши илмий асослаб берилган.



8-расм. Банк мижозлари ва ходимларидан олинган сўровнома натижалари

Мамлакатимизда молия хизматлари бозорининг такомиллашуви тижорат банклари фаолиятида инновацияларни жорий этиш, шу билан бирга банк менежменти орқали ушбу жараёнларни такомиллаштириш ҳамда ҳар бир тижорат банки ўз инновацион стратегиясини ишлаб чиқишини талаб этмоқда. Бу эса ўз навбатида, молия хизматлари бозорида рақобат муҳити банкларнинг фаолиятига уларнинг барқарорлик даражасига салбий таъсир кўрсатмаслигига ёрдам беради. Бу борада банк ходимлари ва мижозлари ўртасида сўровнома ўтказилди (8-расм).

Юқоридаги сўровнома асосида банк тизимида мижозлар ишончи ва банклар барқарорлигини таъминланишининг асосий омиллари актив ва пассив операцияларни тўғри бошқаришга боғлиқ бўлиб, айнан банклар барқарорлигига таъсир этувчи

омиллардан бири муаммоли кредитлар бўлиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари банк ходимлари томонидан изоҳланганини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида муаммоли кредитларнинг асосий сабаби сифатида кредит мониторингининг сустлиги кўрсатилган бўлса, Ўзсаноатқурилишбанк ходимлари эса банк бошқарувининг кредитлаш фаолиятига доир номувофиқ хатти-ҳаракатларни келтириб ўтганлар, шунингдек, Трастбанк ХАБ ходимлари кредит операцияларида бизнес-режа асосий ўрин эгаллашини эътироф этганлар.

Банк мижозлари ва ходимлари ўртасида ўтказилган анкета-сўровномаси ва банкнинг молиявий таҳлиллари натижасида актив операцияларни самарали бошқариш йўналишлари ишлаб чиқилди.

3-жадвал

Банк ходимлари ва мижозларининг банкни ривожлантириш бўйича таклифлари

Банк ходимлари	Банк мижозлари
Ходимларнинг билим ва малакаларини ошириб боришнинг доимий инновацион усулларини қўллаш	Кредит фоизларини кўриб чиқиш, расмийлаштириш тартибини соддалаштириш
Ходимлар мотивациясини кучайтириш (ходимнинг банк ривожланишидаги ҳиссасини инобатга олиб)	Кичик бизнес субъектларига қисқа муддатли кредитлар беришда қулайликлар яратиш
Омонатларнинг жозибадорлигини ошириш орқали турлари ва фоизларини ошириш	Замонавий банк хизмат турларини кўпайтириш, қоғозбозликни камайитириш
Замонавий инновацион банк хизматларини таклиф қилиш асосида мижозларни жалб этиш	Карточкадаги пулларни банкоматдан ечиб олиш суммасини кўпайтириш
Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш механизмининг такомиллаштириш орқали банк ва мижоз учун баланс тизимини жорий этиш	Омонат фоиз ставкаларини кўтариш, омонатчиларни чақирмай, уларга расмийлаштирилган ишларини замонавий усуллар (электрон) орқали амалга ошириш
Кредитни расмийлаштириш тартибини соддалаштириш ва масофадан бошқариш	СВИФТ операцияси учун комиссия фоизларини камайитириш
Маркетинг ва рекламани кучайтириш асосида мижозлар таркибини диверсификациялаш	Ипотека ва автокредитларни олишда иккиламчи бозор улушини ошириш
Банкнинг тушлик вақтини қайта кўриб чиқиш	Банкнинг тушлик вақтини 13-00 дан 14-00 гача белгилаш



Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инновацион банк хизмат турларини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш банклар фаолияти самарадорлигини оширишга ва хизматлари кўламини янада кенгайтиришга замин яратади. Банк тизимида инновацион фаолият турларини жорий этишдан асосий мақсад янги яратилаётган хизматлар таннархини пасайтириш ҳисобланади. Шунингдек, банкнинг молиявий хизматлар бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаб, бозорни эгаллаш имкониятини янада

кенгайтириш ва мижозларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини юқори даражага кўтаришдан иборат.


Банк активларини самарали бошқариш усулларини кенгайтириш орқали актив операцияларни бошқариш стратегиясини такомиллаштириш имконияти юзага келади. Шундан келиб чиқиб, актив операцияларни бошқаришнинг инновацион услуби шакллантирилди (9-расм).



9-расм. Тижорат банкларида актив операцияларни бошқаришнинг инновацион услуби

Тижорат банкларида хизмат кўрсатишнинг инновацион усуллари қўлланиши актив операцияларни бошқаришнинг инновацион услубини шакллантиришда асос бўлади.

Илмий мақолада банклардаги актив операцияларнинг иқтисодий тараққиётига таъсири иқтисодий моделлар асосида баҳоланди.



10-расм. Банкдаги актив операцияларнинг иқтисодий ўсишга таъсири¹⁷



10-расмдаги гипотезани текшириш учун Грейджернинг сабаб-оқибат тестидан фойдаланилди. Бу усулнинг ўзига хослиги эрксиз ўзгарувчининг эркили ўзгарувчига боғлиқлиги йиллик лаг орқали

вектор авторегрессион (VAR) модели асосида аниқланди (1-тенглик). Сўнгра тузилган VAR модели Фишер мезони орқали боғлиқлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги текширилди.

$$x_1(t) = \sum_{j=1}^p a_{11}(j)x_1(t-j) + \sum_{j=1}^p a_{12}(j)x_2(t-j) + E_1(t)$$

$$x_2(t) = \sum_{j=1}^p a_{21}(j)x_1(t-j) + \sum_{j=1}^p a_{22}(j)x_2(t-j) + E_2(t)$$

Гренжер тести натижаларидан келиб чиқиб, 9-расмдаги ўзаро боғлиқликни регрессия моделлари ишлаб чиқилиши омилар ўзгаришининг бошқа омилар ўзгаришига қандай таъсир этишини миқдорий баҳолаш имконини берди. Унга мувофиқ,

даставвал иқтисодий кўрсаткичлар ўртасида чиқиқли боғлиқлик қай даражада эканлигини баҳолаш учун кўрсаткичлар ўртасида корреляцион матрица тузилди (5-жадвал)

4-жадвал

Банк актив операциялари ялпи талаб ва ялпи таклифи ўртасида Гренжер сабаб-оқибат тести

Null Hypothesis:	Obs	F-Statistic	Prob.
Credit does not Granger Cause Asset	12	1.56848	0,2736
Asset does not Granger Cause Deposit	12	0.39376	0,6886
Deposit does not Granger Cause Consumption	12	0.86720	0,4608
Consumption does not Granger Cause VA	12	4.94723	0,1558
VA does not Granger Cause Credit	12	21.8222	0,241

Тузилган корреляцион матрица натижаларига кўра, банк актив операциялари ҳамда ялпи талаб ва ялпи таклиф омиллари билан кўп омилли регрессия тенгламасини тузиб бўлмайди. Чунки регрессион

моделда мультиколлениарлик ҳолати кузатилади (барча омилар ўртасидаги чиқиқли корреляцион боғлиқлик [0,86-0,99] оралиғида) ҳамда модель натижалари хатолигига олиб келади.

5-жадвал

Банк актив операцияларининг ялпи талаб ва ялпи таклиф кўрсаткичлари билан боғлиқлиқлигининг корреляцион матрицаси [18]

№	Кўрсаткич номи	Кўрсаткич рақами				
		1.	2.	3.	4.	5.
1.	Банк актив операциялари	1				
2.	Банк кредит операциялари	0,98	1			
3.	Ялпи қўшилган қиймат	0,97	0,91	1		
4.	Банк депозитлари	0,94	0,86	0,98	1	
5.	Истеъмол	0,99	0,95	0,99	0,96	1

9-расмда келтирилган ўзаро алоқадорликни ифодалаш учун жуфт регрессия моделини тузиш имкони мавжуд. Бир нечта тузилган регрессия матрицаси асосида нейрон сетлари орқали бир омилининг ўзгариши шу омиел келажакда қанча бирлик билан ўзгаришига олиб келиши ҳақидаги хулосани олиш мумкин. Бунинг учун аввал регрессия моделларини тузиш керак (6-жадвал).


6-жадвал натижаларидан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, банк актив операцияларининг ўзгариши тузилган иқтисодий муносабатлардан сўнг маълум вақт ўтгач банк актив операцияларининг ўзига қай даражада таъсир кўрсатишини таҳлил қилиш учун нейрон моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ҳар бир иқтисодий алоқадорлик 6-жадвалда тузилган регрессия тенгламаларидан фойдаланиб аниқланди.

Банк актив операциялари ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги регрессия тенгламалари

Регрессия тенгламалари	R^2	F^{stat}	t-студент	
			t_1	t_2
$credit = asset \cdot 0,68 + 401,5$	0,95	261,0	16,15	3,75
$va = credit \cdot 6,19 + 8481,6$	0,82	54,9	7,40	2,87
$consumption = va \cdot 0,4 + 1203,5$	0,98	897,7	29,96	2,67
$deposit = consumption \cdot 0,38 - 1337,6$	0,92	154,4	12,42	-3,48
$asset = deposit \cdot 1,21 + 2325,2$	0,88	88,7	9,42	5,05

Тузилган нейрон модели натижаларидан кўриниб турибдики, агар мамлакат иқтисодиёти мазкур ривожланиш тенденциясига эга бўлса, банк

актив операцияларининг бир фоизга ўсиши бир йил давомида банк актив операцияларининг 0,77 фоизга ўсишига олиб келади (11-расм).



11-расм. Банк актив операцияларини нейрон тизими модели [19]

Банкнинг кредит операциялари ва актив операциялари ўртасида тузилган регрессия тенгламаси барқарор кўринишга эга. Мазкур хулоса детерминация коэффициентининг 0,95 га тенглиги, Фишер мезонининг 261,0 га тенглиги ва студент коэффициентининг 16,15 ва -3,75 га мос равишда тенглигида кузатиш мумкин. Шу билан бирга, модель натижаларига кўра, барча омиллар ўзгармас бўлган шароитда банк актив операцияларининг бир фоизга ўзгариши банк кредитларининг 0,68 фоизга ўзгаришига олиб келади.

Шунингдек, қўшилган қийматнинг (ялпи таклифни ифодалаш учун) банк кредитлари билан ўзаро алоқадорлик регрессия моделидан кўриниб турибдики, банк кредитларининг ўзгариши қўшилган қиймат ўзгаришига 82 фоизга таъсир кўрсатиб, қолган 18 фоизи бошқа омиллар таъсири ҳисобига тўғри келади. Тузилган мазкур регрессион моделининг барқарорлигини ифодаловчи мезонлардан бири бўлган Фишер мезонининг юқорилиги тузилган моделининг барқарорлигидан далolat беради.

Шу билан бирга моделининг ўзгармас параметрлари барқарорликни ифодаловчи студент мезони ҳам ҳисобланган модель параметрлари тўғрилигини кўрсатиб турибди, шу билан бир қаторда моделининг натижаларидан кўриниб турибдики, банк кредитларининг 1 фоизга ўсиши ялпи қўшилган қийматнинг 6,19 фоизга ўсишига олиб келади. Иқтисодий агентлар истеъмоли ва ялпи қўшилган қиймат ўртасида тузилган модель натижаларидан кўриниб турибдики, ялпи қўшилган қийматнинг бир фоизга ўсиши ялпи талабнинг 0,4 фоизга ўсишига олиб келади.

Тузилган мазкур модель эконометрик таҳлил натижаларига кўра тузилган модель талабларига тўлиқ жавоб беради. Банк депозитлари ва ялпи талаб ўртасида тузилган таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, истеъмолнинг бир фоизга ўсиши банк депозитларини 0,38 фоизга ўзгаришига олиб келади. Шу билан бирга, банк депозитларининг бир фоизга ўсиши банк активларининг 1,21 фоизга ўсишига олиб келади.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Илмий мақолани бажариш натижасида куйидаги хулосалар шакллантирилди.

1. Тижорат банклари активларини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш доирасида банкларнинг ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, банк акциядорлари, хусусан, йирик мижозлар томонидан банкни бошқаришда рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, банк тизимида янги меъёрий хужжатларни жорий этишда стратегик режалаштириш усулларида фойдаланиш ва бу орқали банкнинг риск даражасидан ҳимоялаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Фикримизча, банкларнинг актив операцияларини даромадлилигига қараб бошқариш, биринчидан, банк даромадини ошириш манбаларини аниқлаш ва молиялаштириш борасида қарорлар қабул қилиш; иккинчидан, банкнинг жами актив операциялари таркибида фойда келтирмайдиган активлар салмоғини камайтириш бўйича чоратadbирлар ишлаб чиқиш; учинчидан, банк активларини диверсификациялашнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш, бунда асосий эътиборни қимматли қоғозлар билан операцияларга қаратиш; тўртинчидан, республикада ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда актив операцияларни тўғри тақсимлаш каби қатор муаммоларни бартараф этиш имконини беради.

3. Банк ходимлари ва мижозлар фикрини ўрганган ҳолда мижозларни банкка жалб этишда инновацион хизмат турларини янада кенгрок жорий этиш, мижозларнинг вақтини тежаш мақсадида банкларда кенг миқёсда барча хужжатлаштириш ишлари бўйича он-лайн режимга ўтиш чораларини кўриш, аввало аҳоли ва ҳўжалик субъектларининг банк тизимига бўлган ишончини оширади. Қолаверса, банкларга мижозларни жалб этиш самарадорлигини оширади.

4. Кредитларни қайтарилишида автотўлов тизимини жорий этиш асосида мижозларнинг ҳисоб рақамларидан кредит фоизлари ундирилишини автоматик тарзда бажарилишини йўлга қўйиш лозим. Бу, ўз навбатида, муаммоли кредитлар юзага келишининг олдини олиш имконини беради.

5. Активларни секьюритизациялашни қўллашда, аввало, «Активларни секьюритизациялаш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини кенгрок ёритиш ва ресурслар жалб этиш жозибадорлигини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари орқали аҳолига активларни секьюритизациялаш амалиётини тарғиб қилиш, секьюритизациялаш амалиётини муваффақиятли йўлга қўйилиши ҳамда инвесторлар хатарини олдини олиш мақсадида даставвал секьюритизациялашни давлат мақсадли дастурлари бўйича қабул қилинган ва тасдиқланган инвестицион лойиҳалар асосида берилган кредитлар таъминотида эмиссия қилинган облигациялардан бошлаш лозим. Чунки, давлат мақсадли дастурлари бўйича қабул қилинган ва тасдиқланган инвестицион лойиҳалар асосида берилган кредитларнинг рисклилик даражаси паст

<https://ojs.kstu.uz/index.php/ej>

бўлади. Секьюритизациялашни самарали амалга ошириш тижорат банкларига бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бири бўлган ресурс муаммосини ижобий ҳал этишга олиб келади.

6. Актив операцияларни бошқаришга инновацион усулларнинг турли йўллари жорий этиш мақсадга мувофиқ. Биз таклиф этаётган усуллардан бири New Privat бўлиб, у орқали банк тизимига замонавий хизмат турлари киритилади. Бу эса, мижозларни жалб этиш ва банк даромадларини кўпайиш омили ҳисобланади. Ушбу тизим асосан йирик мижозларни жалб этиш мақсадида жорий этилади. Банклар йирик мижозларнинг маблағларини бошқаришда молиявий кўмакчи вазифасини бажаради ва у орқали фойда олиш имконига эга бўлади.

Muallif (lar) haqida / Сведения об авторе / Author details

1. Холмурадов Мусурмон Авлакулович Тошкент амалий фанлар университети мустақил тадқиқотчиси / Холмурадов Мусурмон Авлакулович независимый исследователь Ташкентского университета прикладных наук / Kholmuradov Musurmon Avlakulovich is an independent researcher at the Tashkent University of Applied Sciences

Email: musirmonkholumurodov1@gmail.com

ORCID: 0009-0000-1715-213X

2. Каримбоева Сарвиноз Бахтиёр қизи Тошкент амалий фанлар университети талабаси / Каримбаева Сарвиноз Бахтиёр қизи студент Ташкентского университета прикладных наук / Karimbueva Sarvinov Bakhtiyorovna Student at Tashkent University of Applied Sciences

Email: sarvinovkarimboyeva13@gmail.com

ORCID: 0009-0004-5235-5632

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1] World Safest Banks Top 50 Biggest Banks 2023. <https://www.gfmag.com/world-safest-banks-2017-top-50-biggest-banks/>

[2] Consolidated Financial Statements Sberbank of Russia and its subsidiaries For the ear ended 31 December 2023.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль // www.lex.uz

[4] Синки Дж. Управление коммерческими банками. Перевод с англ. – М.: Cattalaxy. 1994.;

[5] Муллажонов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 368 б.;

[6] Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик – Т.: Ўқитувчи. 2001.-704 б.;

[7] Бекмуродов А.Ш. Ўзбекистон ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йўлида. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия. 2014. – 6.204-227.;



[8] Каримов Н.Ф. Возможности развития скорингового метода потребительского кредитования в Узбекистане // European journal of economics and management sciences, 2016. p. 55-60.;

[9] Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Т.: Молия. 2002-304 б.;

[10] Н.Х. Жумаев. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. Рисола. – Тошкент: ЖИДУ, 2009. 56-бет.;

[11] Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. – Тошкент: Академия, 1999. - 254 б.;

Пул, кредит ва банклар. Дарслик /

[12] А.А.Омонов, Т.М.Қоралиев. Солиқ академияси, Тошкент молия институти. – Т.: «Иқтисод – Молия» 2012.-324б.;

<https://uzbekistan 2035.uz>

[13] <https://thefinancialbrand.com>

[14] <https://www.digitalbankingreport.com>

[15] <https://www.edgeverve.com>

[16] <http://www.classes.ru/dictionary-english-russian-scienceenru-term-78341.htm>

[17] www.lex.uz – O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma’lumotlari

[18] www.cbu.uz – Markaziy bank sayti.

[19] www.banking.com – mintaqaviy banklar, assotsiatsiyalar va nashriyotlar

[20] www.arraydev.com/commerce/JIBC/ – internet banking va kommersiya jurnali



INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

ISSN: 3030-315X



t.me/kstu_uz



Qarshi shahri,
Mustaqillik ko'chasi 225



www.kstu.uz
www.ojs.kstu.uz